O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

# O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

■ 2004-YIL ■ 14-OKTYABR ■ PAYHANBA ■ 123 (27.298) ■ uzbovozi@sarkor.uz ■ 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan.

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони*

## Р.С.ҚОСИМОВНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ВАЗИРИНИНГ ЎРИНБОСАРИ — ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРИ ЭТИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Рустам Собирович Қосимов Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — Олий ва ўрта махсус таълим вазири этиб тайинлансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2004 йил 13 октябрь

# ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ — ҲАР БИР ОИЛАНИНГ ФАРОВОНЛИГИ УЧУН ИСЛОҲОТЛАР ТАРАФДОРИ

**Қадрият — ўзликни англаш**



**Суратларда:** ғишт терувчи Ҳусан Эгамбердиев; туман бош меъмори Фармон Мардонқулов (чапдан биринчи) ҳамкасблари билан; ота-бола ганчкорлар Фазлиддин ва Қобилжон Камоловлар иш устида.

**Тоҳир НОРҚУЛОВ (ЎзА) олган суратлар**

**Буюк ватандошимиз, ўз даврида диёримизда тинчлик ва аҳилликни қарор топтиришга, муқаддас ислом дини, ислом фалсафасини ривожлантиришга катта ҳисса қўшган ҳамда авлодларга бой маънавий мерос қолдирган улуғ мутафаккир Хожа Аҳрор Валий таваллудининг 600 йиллиги муносабати билан Вазирлар Маҳкамасининг қарори эълон қилинган эди.**

Ушбу муҳим ҳужжатда белгиланган бир қатор вазифалар орасида Хожа Аҳрор Валийнинг Самарқанд туманидаги меъморий мажмуасини таъмирлаш ва атрофини ободонлаштириш ишларига алоҳида эътибор бериш мутасаддилар зиммасига юклатилиб, барча юмушлар қисқа фурсат ичида сифатли бажарилиши алоҳида қайд этилган.

Бугун буюклар бешиги, миллат фахри бўлган кўҳна Самарқанд улуғ айём арафасида турибди. Самарқанд туманидаги Хожа Аҳрор Валий қадамжоси атрофида улкан бунёдкорлик ишлари давом эттирилмоқда. Бу савобли ишга ўз ҳиссасини қўшиш илинжида бўлганлар эса мажмуага келиб халқ ҳашарида иштирок этмоқдалар.

— Шу ердаги қабристон, масжид, мадраса, хиёбон ва йўллар, ҳудуддан оқиб ўтувчи анҳор тўлиқ таъмирдан чиқарилди, — дейди туман бош меъмори Фармон Мардонқулов.

Бундан ташқари, қурилиш-таъмирлаш ишларида «Меъмор-96», «Суғдиёна» масъулияти чекланган жамиятлари, Жиззахдаги алоқа таъмир корхонаси ҳамда тумандаги бир қатор қурилиш ташкилотлари жонбозлик кўрсатмоқда. Мақсад — юбилей тантаналарига қадар барча ишларни тугатиш, улуғ аждодимиз муқаддас мақбарасини кўнгилдагидек обод қилиш.

**Фаррух ҲАМРОЕВ**





### ЎзХДП САЙЛОВОЛДИ ПЛАТФОРМАСИГА ТАКЛИФЛАР

## СЎЗ ВА АМАЛ БИРЛИГИ БЎЛСИН

Партия дастури биринчи галда сайловчиларнинг хоҳиш иродаси асосида шаклланиши, ундан сайловчи, оддий фуқаронинг истаги ўрин олиши керак. Бунда аҳоли ўртасида сўров ўтказиш, жойлардаги партия фаоллари фикрлари билан ўртоқлашиш яхши самара беради. Шу билан бирга ишлаб чиқилаётган сайловолди дастурида белгиланган масалалар шу йўналишдаги давлат дастурлари билан ҳамоҳанг бўлса янада маъқул. Биринчи навбатда дастур партиянинг эркин ҳаракатини чекламаслиги, у имконият борича узоқ муддатга мўлжаллангани ҳамда сиёсий ривожланиш жараёнида партия фаолиятидаги ўзгаришларга имкон бериши керак.

Партиянинг сайловолди ваъдалари унинг сиёсий ҳаракатларига мос келиши, сўз ва амал бирлиги намоён бўлиши айни муддао. Чунки, халқимиз биздан сайловлар ўтгандан кейин сайловолди дастуримизда айтилган ҳар бир гапнинг амалий ижросини кутади.

**Мансур ОСТОНОВ,**
**ЎзХДП Шаҳрисабз туман кенгаши биринчи котиби.**




## БИЗНИНГ ОВОЗИМИЗ – ОЗОД ВА ОБОД ВАТАНИМИЗНИНГ БУГУНИ, ЭРТАСИ ВА КЕЛАЖАГИНИ БЕЛГИЛАЙДИ

## ЁШ ОЛИМЛАР ЎзХДП ЭЪТИБОРИДА

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Дастурида **«партия ёш олимлар, университет, институт профессор ўқитувчиларининг ижтимоий мақоми оширилиши, жамиятда муносиб ўрин эгаллашлари ва уларнинг ақл-заковати салоҳияти юксак баҳоланиши тарафдоридир»** дейилган.

ЎзХДП Тошкент шаҳар ва Мирзо Улуғбек туман кенгашлари томонидан етук ва ёш олимлар билан ўтказилган «давра суҳбати» ҳам бевосита ана шу масалаларга бағишланди. Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши биринчи котиби Аслиддин Рустамов ХДП томонидан ижтимоий-иқтисодий соҳада, хусусан, фан-таълим тизимида олиб борилаётган ишлар, ёш олимларни қўллаб-қувватлаш борасидаги ҳаракатлар тўғрисида тўхталди.

Шунингдек, у яқинлашиб келаётган сайловларда ЎзХДПнинг қандай ўрин олиши, халқ ичига янада чуқурроқ кириб боришида олимларнинг, фан-таълим тизими ходимларининг ҳам салмоқли ўрни борлигини таъкидлади. Хусусан, партиянинг сайловолди платформасида, олиб бораётган барча ҳаракатларида ёш олимлар, фан-



таълим тизими муаммолари, албатта, ўрин олажагини, бунинг учун бугунги тадбир иштирокчиларининг фикр-мулоҳазалари, таклифлари жуда муҳимлигини таъкидлаб ўтди.

2-бет

**Фуқаро. Жамият. Бурч**

## «...ДЕПУТАТЛИККА НОМЗОДИМНИ ҚЎЙМОҚЧИ ЭДИМ...»

### айрим юртдошларимизнинг ўта боқибеғамлиги, ҳатто мамлакат, миллат тақдирига дахлдор воқеа-ҳодисаларга ҳам лоқайдлигини кўриб, хаёлга келган мулоҳазалар

Яқинда бир танишим ўзининг дўсти билан хонага кириб келди. Таҳририятга одамлар одатда мақола ёки ариза билан мурожаат этишади. Лекин бу гал уларнинг илтимоси ҳам, суҳбатимиз якуни ҳам жуда ғалати бўлди. Ғалатилигига сабаб шуки, улар олис бир туманда эмас, балки пойтахтимиз Тошкентнинг ўзида ишлашади ва яшашади. Бунинг устига иккаласи ҳам олий маълумотли.

— Ака, энди бир илтимос билан келдик, — дея сўз бошлади танишим ёнидаги шеригига ишора қилиб, — бу дўстимиз зўр йигит, одамгарчиликни унутмайдиганлардан... нима десам экан, бутун йигитлардан, катта бир автокорхонанинг раҳбари, худо хоҳласа ака-ука бўлиб кетасизлар. Энди, шу бир ёрдамингиз керак. Шу дўстим депутатликка номзодини қўймоқчи, ХДП раҳбарлари билан гаплашиб берсангиз, яхши бўларди-да... Сизларнинг партиянгиздан қўйсак дегандик...

— ХДП аъзосимисиз? — сўрадим ундан.

— Йўқ, лекин киришимиз мумкин.

— Майли, бунинг аҳамияти йўқ, аммо ишингиз ҳам ёмон эмас экан-ку, яхшилаб ўйлаб кўрдингизми? Ёки раҳбарлар билан келишолмай қолдингизми?

— Йўғ-е, худо асрасин, ҳаммаси яхши...

— Унда нега корхонадан кетмоқчисиз?

— Кетмоқчи эмасман..., — у ҳайрон бўлиб саволомуз тикилди.

Тўғриси, гап бошидаёқ менда «бу одам янги сайлов қонунларидан, икки палатали парламент нималигидан бехабарга ўхшайди», деган шубҳа пайдо бўлган эди.

Унга аввало, депутатликка номзод тавсия қилиш бизнинг ваколатимизга кирмаслиги, бу сайловнинг олдингиларидан фарқли томонлари, эртага сайланадиган депутатлар энди фақат Олий Мажлис сессияларига келиб-кетмаслиги, қонунчилик палатасида муқим ўтириб ишлаши лозимлиги, депутатликкача эгаллаб турган вазифаси ёки лавозимидан ўзи ариза ёзиб кетиши зарурлигини озгина тушунтирган эдим, иккаласи ҳам хижолат тортиб қолишди.

— Бу ёғи қизиқ экан-ку... эшитмай қопмизда... — деди қизариб корхона раҳбари,

— Газеталарда қачондан бери ёзишаяпти-ку. Газетага ҳам обуна эмассиз шекилли? — ҳазиломуз оҳангда сўрадим.

— Обунамасмизу... сотиб олиб ўқиб турамиз.., — ғулдиради у.

Суҳбатимиз давомини айтмай қўяқолай. У газета ўқимаслиги гапларидан маълум. Аммо, телевизор ҳам кўрмасмикин? Кўришга кўрару, аммо ё концерт ёки кино кўради шекилли... Ким нимага қизиқса, шуни ўқиши ёки кўриши табиий ҳол. Лекин бир корхона раҳбари бундай муҳим, мамлакатимиз ҳаётидаги тарихий воқеадан хабардор бўлиши шарт эмасми?

Куни кеча, аниқроғи, якшанба куни кишини ўйга толдирадиган яна бир суҳбат бўлди. Бир танишимизнинг машинасида маъракага кетаётгандим, йўлда радиодан сайлов участкалари тўғрисида эшиттириш бошланиб қолди.

2-бет

**«Пахта — 2004»**

## БИР ЙЎЛА ТЎРТ ТУМАН МАРРАГА ЕТДИ

Кейинги тўрт-беш йилдан буён пахта тайёрлаш шартномавий режаларини бажаролмай келаётган **Кегайли, Чимбой, Қанликўл, Тахтакўпир** туманлари пахтакорлари бу йил мўл ҳосил етиштиришди.

Теримнинг илк кунларидан бошлабоқ ишга уюшқоқлик билан киришилди. Мавсум иштирокчиларига барча шарт-шароитлар яратиб берилди. Маданий-маиший тадбирлар йўлга қўйилди. Иш ҳақи ҳар беш кунда нақд пул тарзида тарқатилди. Буларнинг ҳаммаси терим сафарбарлигини кучайтирди.

Кегайли тумани пахтакорлари 10200 тонна, чимбойликлар 7041 тонна, Қанликўл, Тахтакўпир туманлари эса 3642-3780 тоннадан пахта тайёрлаб, шартномавий режаларини ошириб адо этдилар. Боз устига ҳосилнинг ҳаммаси юқори навларга қабул қилинди.

Режа ортиғи билан бажарилган бўлса-да, терим сафарбарлиги ва суръати бўшашгани йўқ. Тўрт туманнинг ҳам меҳнат аҳли республикамизнинг улкан хирмонига яна 2000-2500 тоннадан пахта топширишга аҳд қилишган.

**Рейимбой ЕШИМБЕТОВ**

## ЧИНОЗ ХИРМОНИ

Туман пахтакорлари Тошкент вилоятида биринчи бўлиб давлатга пахта сотиш йиллик шартномавий режаларини уддалашди. Қабул масканларига 19 минг 880 тонна ўрнига 19 886 тонна сифатли пахта хомашёси етказиб берилди. Ҳосилнинг асосий қисми биринчи навларга қабул қилинди. Ҳосилдорлик ҳар гектар майдондан ўртача 26 центнердан тўғри келди.

Азал-азалдан деҳқончилик маданиятини юксалтиришда ўз ўрнига эга туманда бугун қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши бозор муносабатларига мос тарзда тубдан ўзгармоқда. Пахтачилик фойдали тармоққа айланди. Жорий йилда 7 минг 500 гектар майдонга сара уруғ қадалди. Алишер Навоий номли ширкат хўжалигида ҳосилдорлик гектар бошига 30 центнерга чиқди. Хўжалик эл хирмонига режадагидан 156 тонна кўп — 1100 тонна сифатли пахта хомашёси тўкди.

— Мавсумда пахтадан 287 миллион сўм даромад олишни мўлжаллаганмиз, — **дейди хўжалик раиси Мирзаодил Акрамов**. — Бунинг 120 миллион сўми соф фойда...

Эришилган ютуқда тумандаги «Эшонобод», Амир Темур, Собир Раҳимов номли, Охунбобоев номли, «Гулзоробод» каби қатор ширкат хўжаликларининг ҳам ҳиссасикатта бўлди.

**Соҳибжон САЛИМОВ**

## ПАХТАҚАЙНАР ҚАШҚАДАРЁ

### ВИЛОЯТ ДЕҲҚОНЛАРИ 417 МИНГ ТОННАДАН ЗИЁД ПАХТА ТАЙЁРЛАБ, ШАРТНОМА РЕЖАСИНИ МАМЛАКАТДА БИРИНЧИ БЎЛИБ АДО ЭТДИЛАР



Қарийб йигирма йилдирки, дала кезиб юрган яккабоғлик моҳир пудратчи пахтакор Қўйли Ҳасанов ҳар тупи 25-30 тадан кўсак туккан ғўзаларини кўрсатаркан, ҳаяжонланиб гап бошлади:

— Даламизга ўтган ҳафта Юртбошимиз келганларида, рости, ҳаяжонга тушдим. — У киши иссиқ кўришиб, оиламизни, турмушимизни сўрадилар. Мана шу шиғил кўсакларни кўриб эртаки ҳосил етиштиришнинг ҳали биз билмаган қатор йўл-йўриқларини айтдилар, ичимда «юрган эканман-да, пахтакорман деб», — хижолат тортдим...

Бу йил 40 гектар ерга «Бухоро-6» навини экдик. Бугунгача давлатга 124 тонна пахта сотдик. Унинг 74 тоннаси уруғлик бўлди. Ҳар кило уруғлик пахта учун қўшимча 174 сўм оламиз... Ҳосилдорлик гектар бошига 40 центнердан тушди. Юртбошимизга 50 центнерга етказамиз, деганман-а. Етказамиз...

2-бет

ХАЛҚ БАНКИ — СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ
BANK XALQ BANKI
Хизматлар лицензияланган

TOSHKENT SHAHAR MUNITSIPAL BIRJA MARKAZI
MULKDORGA HAMKOR!
Tel: 132-25-51, 133-46-61, Faks: 133-20-74
WWW.tshmbm.uz E-mail: info@tshmbm.uz va Birja@mail.tps.uz
Хизматлар лицензияланган

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

ALOQABANK — aniq, tez, ishonchli!
Tel: 137-23-98, 137-10-20, 134-75-57; Faks: 136-76-22.
WWW.alokabank.uz E-mail: info@alokabank.uz
Хизматлар лицензияланган

**Фуқаро. Жамият. Бурч**

# «...ДЕПУТАТЛИККА НОМЗОДИМНИ ҚЎЙМОҚЧИ ЭДИМ...»

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Бироз ўтгач ҳайдовчи мендан сўради:

— Ака, бу қанақа сайлов ўзи?.. Президентликка сайловми?..

Қойил-э, яшаворинг-э, ўзи шу мамлакатда яшайсизми? дегинг ва яна алланималарни айтиб юборгинг келади.

Мамлакатимизда бўлажак сайловлар, парламент ислоҳоти ҳақида аниқ, равшан биладиганлар кўп, албатта. Билимдон ҳуқуқшуносу сиёсатшунослар, кенг фикрли талаба-ёшлардан тортиб фахрийларимизгача мамлакат сиёсий ҳаётидан яхши хабардорлар бор. Афсуски, шу юртда, шу жамиятда яшаб туриб, унинг қувончу ташвишларидан бегоналар, бехабарлар ҳам оз эмас.

Ўзининг кундалик тирикчилиги қобиғида ўралашиб, «бугун қанча пул топдим, қанча фойда кўрдим?» каби саволдан бошқа нарсага қизиқмайдиганлар ҳам бор. Қават-қават дангиллама уй қуриш, ҳеч ким минмаган машинани миниб, киймаган кийимни кийишни ҳаёт мазмуни деб юрганлар, бу бойликларидан боши айланиб, босар-тусарини билмай қолганлар озми?

Тўғри, ҳамма ҳам бойисин, чиройли уй-жой қурсин, тўй-томоша қилсин, бунга ҳеч ким қарши эмас. Аммо, бойлик тўғри йўл, ҳалол меҳнат билан топилса ярашади. Лекин, ҳозир гап бу ҳақда эмас, масаланинг бошқа томони ҳақида айтмоқчимиз. Фақат ўзи, ўз шахсий манфаатидан бошқани кўрмайдиган, тан олмайдиган бундай тоифадагилар шу юрт нон-тузини ейди, ҳавосидан нафас олади, яратилган имконияту имтиёзлардан фойдаланади, ўзим юрт учун нима қилаяпман деган савол эса уларга бегона. Қайтага одамлардан, жамиятдан, давлатдан имкон қадар кўпроқ олишга, юлишга жон-жаҳдлари билан ҳаракат қилишади.

Яна бир тоифа борки, улар ҳамон боқибеғамлик, боқимандалик кайфияти қули бўлиб ўтирибди. Бундайлар нафақат жамият, балки ўз оиласи тақдирига ҳам лоқайд қарайди.

Ҳаётнинг ана шу аччиқ ҳақиқатлари кишини ўйлашга, оғриқли саволларга жавоб излашга ундайди. Бугун мамлакатимиз аҳолисининг неча фоизи парламент ислоҳотидан тўла хабардор? Қанчаси чала, қанчаси мутлақо хабарсиз? Бу саволларга, назаримизда, аниқ жавоб бериш қийин, чунки кейинги кунлардаги тарғибот-ташвиқот ишлари, айниқса, Марказий сайлов комиссияси олиб бораётган кенг қамровли ишлар аҳолининг хабардорлик даражаси ва сайлов тўғрисидаги тушунчасини ошириб бормоқда.

Қандай одам депутат бўлиши керак? Депутатнинг асосий вазифаси, ваколатлари нималардан иборат? Қонунчилик палатаси (қуйи палата) депутати зиммасига қандай вазифалар юкланади? Юқори палата аъзолари — сенаторларга-чи?

Ҳар бир сайловчи депутат сайлашдан олдин бу саволлар жавобидан хабардор бўлиши шарт деб ўйлаймиз.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг XV-сессиясида Юртбошимиз бу масалалар ҳақида батафсил тўхталиб, ўз фикр-мулоҳазаларини билдирганди. Бугунги депутатнинг вазифаси қайсидир қишлоққа автобус қатновини йўлга қўйиш, ҳаммом қуриб бериш, йўлга асфальт ётқизиш каби юмушлардан иборат эмас албатта. Унинг асосий вазифаси бу каби муаммоларни мамлакат бўйича ҳал этишга хизмат қиладиган қонунларни яратиш. Бюджет маблағлари белгиланаётганда ҳар бир соҳа ва ҳудуднинг эҳтиёжи, муаммоларини ҳисобга олиш, бошқача айтганда, одамларнинг эркин ишлашига, муносиб яшашига халақит бераётган тўсиқлар ечимини топиш, мамлакатимизда тўкинлик, тинчлик-фаровонлик бўлишини таъминлайдиган қонун асосларини яратиш учун курашиши лозим. Бунинг учун эса депутат билимдон, ҳалол, фидойи бўлмоғи талаб этилади. Жойлардаги муаммоларни билмайдиган ёки уларнинг ечими устида ўйлаш, фикр, таклиф айтиш қурбига эга бўлмаган депутатдан нимани кутиш мумкин?

Яқин ўтмишда бошимиздан ўтди: депутатликка қўлидан келган ҳам, келмаган ҳам от қўйган эди. Улар орасида сохта обрў, шон-шуҳрат учун елиб-югурганлар оз эмасди. Ёки депутатликни ўзига қалқон қилиб, қинғир ишларини бемалол давом эттиришни, ҳамтовоқларини қўллаб-қўлтиқлашни мўлжал қилганлар бор эди. Икки оғиз гапни уддалаб айтиш ёки ёзиш қўлидан келмайдиганлар ҳам депутат бўлиб, савлат тўкиб ўтиришарди. Олий Мажлисда думалоқдан келган бир депутат бўларди. Фотомухбиру телеоператорлардан «ишқибозлари» кўп эди унинг. Айниқса, танаффус пайтида кузатсангиз гоҳ у, гоҳ бу катта раҳбар олдига бориб, қўл узатиб сўрашишни яхши кўрарди. Бу ҳолатларни бир-икки фотомухбир доим суратга оларди. Эшитишимизча, у ана шу суратларни ишхонасида қатор қилиб деворга осиб қўяркан. Битта-яримта текширувчи келса, бу суратларни кўриб нафаси ичига тушиб кетаркан...

Бугун бир ўйлаб, хотирамизга келтирайлик, уйма-уй арoқ, ёғ, ун тарқатиб, рақиблари устидан миш-миш тарқатиб, бўҳтон уюштириб, гуруҳбозлик, лўттибозлик йўллари билан депутат бўлиб олганлар ҳам йўқ эмасди.

Сарҳисоб қилиб кўрайлик, ана шундай хулқ-атворли депутатларнинг сайловчиларга, эл-юртга қандай нафи тегди ўзи?

Шу ўринда яна бир табиий савол туғилади: хўш, уни ким сайлаган? Ўзимиз эмасми? Демак, асли айбдор у эмас, балки ўзимиз. Депутатликка номзодни танлашда бефарқ бўлганмиз. Ёки муносиб номзод четда қолиб, номуносиб бўлса-да, ўзимизнинг қариндош-уруғдан, ўзимизнинг қишлоқдан, маҳалладан қўйилган номзодга ён босганмиз. Бу хатти-ҳаракатимиз билан аввало ўзимизга ўзимиз ёмонлик қилганмиз, жамиятга катта зиён етказганмиз. Оқибатини эса дурустроқ ўйлаб ҳам кўрмаганмиз.

Оддий бир саволни ўзимизга бериб кўрайлик: эртанги тақдиримиз, қандай яшашимиз қонунларга боғлиқ бўлса, бу қонунларни депутат яратса, қайси соҳа ёки қайси ҳудудни янада ривожлантириш учун қанча маблағ ажратилишини депутат ҳал этса, бизни қийнаётган, ташвишга солаётган муаммоларни қонун доирасида ҳал этиш депутатга боғлиқ бўлса... биз қайси номзодга овоз беришимиз керак? Саводсизроқ, ноқобилроқ, ожизроқ бўлса-да, қариндош-уруғимиздан чиққанигами ёки бизга бегона бўлса-да, билимли, ғайратли, ҳалол, мамлакат, миллат манфаати йўлида фидойи номзодгами? Биз номзодга овоз бераётганимизда кимнингдир шунчаки депутат бўлиши учун эмас, балки ўз ҳаётимиз, келажагимиз, тақдиримиз қандай бўлиши учун овоз бераётганимизни англаб етаяпмизми?

Ушбу мақола ёзилиш жараёнида бир ҳамкасбим хонага келиб қолди. Суҳбатимиз сайлов, номзодлар мавзусига бурилганда у қизиқ бир мисолни айтди:

— Оиламиздан беш киши сайловда қатнашамиз: мен, хотин, икки ўғил, бир қизимиз. Қаранг, бешаламиз бешта партияга аъзо эканмиз. Партиялар ҳақида гап кетса, баҳслашиб қоламиз. Яқинда уларга айтдим, ҳам ота, ҳам энг биринчи, энг катта партия — ХДП азоси сифатида айтаман, ҳар биринг ўз номзодингни ўзинг танла, сайлов участкасига шахсан ўзинг бориб овоз берасан, фақат виждонингга қулоқ сол. Сайлов ҳалол бўлса ҳаммага фойда...

Аввалига унинг гапидан кулишдик. Сўнгра хаёлга «қанийди ҳамма шунақа ўйласа, ҳамма оилада ҳам ана шундай баҳс-мунозара бўлса, ҳамма ўз ҳуқуқ ва бурчларини яхши билса» деган фикр келди. Ҳар ҳолда бундай оилаларнинг кўплиги, одил сайловлар, эл-юрт тақдири, келажаги тўғрисида ўйлаётган, мулоҳаза юритаётган ҳамюртларимиз оз эмаслиги кишини қувонтиради.

Икки палатали сайлов тизимига ўтиш — бу мамлакатимиз ҳаётида, халқимиз тақдирида улкан тарихий воқеа. Шундай экан, сайловда фаол иштирок этиш, муносиб номзодни танлаш ва унга шахсан овоз бериш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир.

**Сафар ОСТОНОВ**

**ХДП хабари**

## ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАР МУҲОКАМАСИ

Ўзбекистон ХДП Тошкент вилоят кенгаши ижроия бюросининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда вилоятнинг барча туман ва шаҳар партия кенгашлари биринчи котиблари иштирок этдилар. Йиғилиш кун тартибидан Ўзбекистон ХДП Тошкент вилоят ташкилотининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайловларда иштироки ҳамда партиядан давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатлигига номзод кўрсатиш тартиби, Ўзбекистон ХДП Бўка туман кенгашининг «Меҳр ва мурувват йили» тадбиридаги иштироки, Ўзбекистон Халқ демократик партияси Тошкент вилоят кенгаши II пленумини чақириш ва бошқа қатор масалалар ўрин олганди.

Ўзбекистон ХДП тузилмаларининг партия матбуот нашрларига 2005 йил учун обунани ташкиллаштиришдаги асосий вазифалари тўғрисида «Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталари бош муҳаррири Сафар Остонов сўзга чиқди. Ўзбекистон ХДП Бўка туман кенгашининг «Меҳр ва мурувват йили» тадбирида иштироки тўғрисидаги масала юзасидан туман партия кенгаши биринчи котиби С.Бўриев ахборот берди.

Муҳокамага қўйилган масалалар юзасидан Чирчиқ шаҳар партия кенгаши биринчи котиби Д. Азизхўжаев, Бекобод, Бўстонлиқ туманлари партия кенгашлари биринчи котиблари З.Қодиров, Р.Маҳаматов ва бошқалар сўзга чиқиб, ўз фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашдилар.

**Сайловлар тўғрисида саволингиз борми?**

## ! ПАЛАТАЛАР ТУШУНЧАСИ

**Бу галги саволга таҳририят илтимосига кўра, Тошкент давлат юридик институти доценти, юридик фанлари номзоди Абдусалом НОРБОЕВ жавоб беради.**

**«...Бўлажак икки палатали парламентда Сенатнинг фаолият кўрсатиш тартиби, ваколати қандай бўлади? У Қонунчилик палатаси билан битта вакиллик тузилмасими ё алоҳидами? Назаримда, икковининг ҳам фаолияти бир-бирига боғликдек... Қай бири устунликка эга? Қолаверса, энди уларнинг умумий номи қандай айтилади: Олий Мажлисми ё Парламентми?**

**Усмон АЗИМОВ,**
Ангрен шаҳри
*(савол телефонда олинган.* ***Таҳририят****).*

— Уларнинг умумий номи — Олий Мажлис деб аталади. Парламент деб одатда қонун чиқарувчи ҳокимиятга айтилади. Бундай номланиш халқаро миқёсда расман қабул қилинган. Шу маънода, Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси унинг Парламенти ҳисобланади.

Юқори — Сенат ва қуйи — Қонунчилик палаталарининг фаолият кўрсатиш тартиби бир-биридан фарқ қилади, яъни улар мустақил, икки алоҳида вакиллик тузилмасидан иборат.

Қонунчилик палатаси қонунчилик соҳасида мутлақ ваколатга эга бўлиб, палатада доимий асосда қонун ижодкорлиги билан шуғулланади. Қабул қилинган қонунларни Сенатга тақдим этади. Сенат қонунни маъқуллаши ёки рад этиши мумкин. Маъқулласа — имзоланиши учун давлат бошлиғи — Президентга тақдим этади. Рад этса — такрор таҳрир (кейинги ўқиш)га қайтаради. Чунки, Сенат ўзига хос хусусиятлар ва ваколатларга эга. Унинг асосий иш фаолияти маълум даврларда чақирилиб туриладиган сессиялардан иборат бўлади. Ўзига хос функцияси — қонунларнинг пишиқ ва пухта яратилишини, шошма-шошарлик билан қабул қилинган қонунларнинг қайта ишланиши учун ўзида муайян масъулият сезувчи ҳамда ҳудудлар манфаатлари муштараклигини таъминловчи орган сифатида фаолият юритади.

Унинг ялпи мажлислари вақти-вақти билан ўтказилиб турилиши — Қонунчилик палатасига сайланган (доимий асосда ишловчи) депутатлар фаолиятидан акс ўлароқ, Сенат (сенат аъзолари)нинг доимий асосда ишламаслигидан далолат беради. Демак, уларнинг асосий ваколатлари Сенатнинг ялпи мажлисларида амалга оширилади.

Шу ўринда берилган саволнинг бир жойига алоҳида урғу бериб, таъкидлашим керак: Олий Мажлис палаталарининг юқори ва қуйи палата деб номланиши — Сенат Қонунчилик палатасидан устун деган маънони англатмайди. Зеро, улар юқорида айтганимиздек, алоҳида-алоҳида ва бир-биридан мустақил тарзда фаолият олиб боради. Агар схема тарзида ифодаласак, икки палатали Олий Мажлиснинг тузилиши қуйидагича:

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ**

**СЕНАТ** | **ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ (Қуйи палата)**

(уларнинг аъзолари сони ва ваколат муддатлари таҳририятимизга келган саволларнинг олдинги жавобларида айтилган. **Таҳририят**)



# ЁШ ОЛИМЛАР ЎзХДП ЭЪТИБОРИДА

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси вице-президенти, профессор Тўра Мирзаев ўз чиқишида фанимиз ривожида ёш олимларнинг ҳиссаси ва улар олдидаги айрим муаммолар тўғрисида ўз фикрларини, таклифларини билдирди. Жумладан, у шундай деди: бугунги кунда олий ўқув юртини битирган бакалавр ёки магистрни нима учун илмий ишга йўналтириш қийин кечмоқда? Нима сабабдан улар бошлаган, бир-икки йилга мўлжалланган тадқиқотлар чўзилиб кетмоқда. Биз бу масалаларни чуқурроқ ўрганиб, кузатиб, таҳлилларга асосланган ҳолда шу нарсага амин бўлдикки, мактаб, лицей ва коллежларимизда фундаментал, яъни физика, математика, кимё, она тили, тарих фанларига бўлган эътибор бироз сусаймоқда. Ана шу йўналишдаги билимларни чуқур эгалламаган киши олим бўлиб етишиши амримаҳол.

Яна бир муаммо: аспирантларни, кичик илмий ходимларни ижтимоий ҳимоялаш масаласи. Биринчидан, уларнинг стипендиялари миқдори талабга жавоб бермайди. Яқинда Фанлар академияси томонидан аспирантлар, магистрларни институтларга жалб қилиб, уларга озгина бўлса-да, моддий кўмаклашиш йўлга қўйилди. Албатта, бу етарли эмас, лекин шу каби имкониятлардан биз самарали фойдаланишимиз зарур. Бугун бизда ёзилаётган диссертациялар, илмий ишларнинг умумий савиясидан қониқиш ҳосил қилиб бўлмайди. Бунинг ҳам ўзига яраша сабаблари бор. Очиғини айтиш керакки, бугун ҳашар диссертациялар пайдо бўлмоқда. Яъни, ёзилган иш ҳар томонлама яхши, лекин унда тадқиқотчининг ўзи йўқ. Чунки, ишнинг биринчи варианти қабул қилинган, илмий раҳбар кўриб берган ва тадқиқотчи муҳокамаларда билдирилган таклифлар, фикрларни умумлаштириб, диссертацияни тайёр ҳолга келтирган. Аммо бизга номигагина илмий даража олиш учун ёзилган диссертациялар эмас, ўз фикрига эга бўлган, илмий ишнинг кейинги босқичларида ҳам янгиликлар ярата оладиганлар керак. Агар рақамга, сонга эътибор берадиган бўлсак, фан докторлари бизда етарли. Лекин, уларнинг айримларига катта бир илмий вазифани юклашга ўйланиб қоласиз.

Мамлакатимизда биология фанининг кўзга кўринган мутахассиси, академик Машҳура Мавлоний, педагогика фанлари доктори, профессор, Олий Мажлис депутати Ойниса Мусурмонова ўз чиқишларида ёш олимларни тил ўрганишга кўпроқ жалб қилиш, уларни ривожланган хорижий мамлакатларда амалиётларга юбориш ҳамда қизларни, аёлларни илмий ишларга жалб этиш масаласини кўтардилар. Ҳозирда табиий, техникавий фанлар бўйича олиб борилаётган илмий тадқиқотларда хотин-қизларнинг ўрни бироз камаймоқда. Ҳатто баъзи соҳаларда умуман аёллар учрамайди, деди сўзга чиққанлар.

Шунингдек, етакчи олимлар ЎзРФА «Фанум» ўқув-методик маркази директори, академик Назар Тўраев, ЎзРФА «Кибернетика» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси лаборатория мудири, профессор Даврон Аҳмедов, Биохимия институти директори, академик Зокиржон Салимов, Сув муаммолари институти директори Эрназар Маҳмудов ва бошқаларнинг чиқишлари ҳам шу соҳада ўз ечимини кутаётган кўплаб муаммолар, фанимиз ривожига тўсиқ бўлаётган баъзи масалаларга бағишланди. Жумладан, бугунги кунда жуда кўп салоҳиятли, билимга чанқоқ ёш олимларни Фанлар академияси тизимидаги илмий институтларда олиб қолишни, улар ўз илмий ишларини давом эттиришларининг иложи бўлмаяпти. Чунки, уларни уй-жой билан таъминлаш, айниқса, доимий яшаш учун рўйхатга олишнинг ҳеч қандай қонуний йўллари ишлаб чиқилмаган. Албатта, республикамизнинг вилоятларида ҳам мазкур институтларнинг филиаллари йўқ эмас. Лекин шундай қобилиятли, келажакда фанимизга салмоқли ҳисса қўшиши мумкин бўлган ёш олимларимизни институтнинг ўзида олиб қолиб, илмий ишни давом эттиришларига шароит яратиб бериш керак бўлади.

ЎзХДП Тошкент шаҳар кенгаши биринчи котиби Латиф Ғуломов ўз сўзида кўтарилган муаммолар, уларнинг ечими юзасидан партия бажариши мумкин бўлган ишлар хусусида ўз мулоҳазаларини билдирди.

«Давра суҳбати» ниҳоясида мамлакатимиз табиий-техникавий ва бошқа фанлари олдидаги муаммолар, ёш олимларни қийнаётган масалалар ҳамда уларнинг ечими тўғрисида тадбир иштирокчилари томонидан резолюция қабул қилинди.

**Ҳусниддин БЕРДИЕВ**
**Шавкат АКРАМОВ**
**(суратлар)**

**«Пахта — 2004»**

# ПАХТАҚАЙНАР ҚАШҚАДАРЁ

(Давоми. Боши 1-бетда.)



— Вилоятимизда пудратчиларга, фермер хўжаликларига катта эътибор берилаяпти, — суҳбатимизга қўшилди **вилоят ҳокимлиги қишлоқ ва сув хўжалиги котибияти раҳбари Абдуманнон Примов.** — Масалан, пахтачиликда ҳозир 10 минг 970 та фермер хўжалиги бор. Улар билан 288 минг 370 тонна пахта сотиш юзасидан шартнома тузилган эди, бажардик. Ана шу тадбирлар самараси — вилоятимиз пахтакорлари бугун белгиланган маррани республикада биринчи бўлиб эгаллашди. Сўнгги йилларда қолоқликдан боши чиқмай келаётган Шаҳрисабз, Китоб, Яккабоғ тумани пахтакорлари ҳам бу йил маррага биринчи бўлиб етиб келишди. Ҳозир мажбурият ҳисобига пахта топширишмоқда.



Чироқчи, Қамаши туманлари эришган натижаларни эшитган кишининг дили яйраб кетади. Тўлиқ фермерлар қўлига ўтган Нишон ва Косон тумани ерлари ҳосилдорлиги кутилгандан ҳам зиёда бўлди. Биргина Косон тумани ялпи хирмонга 62 минг тонна ҳисса қўшди. Қарши тумани пахтаси 46 минг тоннадан ошди. Муборакда ҳам ҳосил чўғи зўр. Камида 63 минг тонна пахта учун курашаётган Касби, 53 минг тоннадан ошиқ маррани кўзлаган Миришкор туманлари пахтакорлари меҳнатидан барчамиз хурсанд.

Вилоят **деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси бош мутахассиси, вилоят пахта штаби аъзоси Муҳиддин САЙХИЕВ**нинг айтишича, Ўзбекистон Қаҳрамони Муродулла Саидов раҳбарлик қилаётган Миришкор туманидаги «Жейнов» ширкат хўжалиги 8 минг тонна пахта сотиб, энди эса 10 минг тонналик хирмон учун курашмоқда. Касби туманидаги Алишер Навоий ва Шароф Рашидов номли хўжаликларда меҳнатнинг муттасил рағбатлантирилиб борилиши юксалишга қанот бўлди. Шаҳрисабз туманидаги Улуғбек, Ғ.Бобоёров номли, Қарши туманидаги Ю.Хушвақтов номли, Қамаши туманидаги «Тўқбой» ва ўнлаб бошқа ширкат хўжаликлари тажрибаси ҳам мақтовга молик. Санайверсангиз, улар ўнлаб ва юзлаб...

...Қалби эзгуликка тўла адибларимиздан бири хаёлдай гўзал ва мафтункор Қашқадарё далаларини «пахтақайнар», деб атаганди. Ҳақ гап. Вилоят пахтакорлари яна 90 минг тонна пахта етиштириб, хирмон салмоғини 500 минг тоннага етказишга аҳд қилишди.

**Юнус УЗОҚОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири**

✧✧✧

**Суратларда:** вилоят пахтазорларидан лавҳалар.

**Партиямиз фаоллари ҳақида ҳикоялар**

# МАЗМУНЛИ МЕҲНАТ ГАШТИ

## Ижтимоий турмуш даражаси қилинган иш самарасига боғлиқ

ХДП аъзоси Латиф ака Инатов ўн йилдирки, Нарпай тумани, Мирзо Улуғбек номидаги ширкат хўжалигини бошқариб келмоқда. У бу ерларни беш қўлдай билади, ҳар қаричи унга таниш, қадрдон.

— Бир минг етти юз гектар ерда деҳқончилик қиламиз, — сўз бошлади раис. — Шундан 680 гектар ерга пахта, 200 гектар ерга ғалла, қолганига эса ҳар хил эҳтиёж талаб экинлар экамиз.

Бу йил омадли келди. Баҳорда пилла режасини — 101 фоиз бажардик. Ёзда ғалладан 520 миллион сўмлик даромад олдик. Соф фойда 69 миллион сўм бўлди.

Кузга келиб пахта топшириш йиллик режасини туманимиз билан бир кунда адо этдик. Ҳосилнинг ҳаммаси биринчи навга қабул қилинди. Бунда хусусан, Умар Саидов, Шокир Умаров, Бегат Раҳимов, Салим Халилов, Ҳайитмурод Саидов каби бош пудратчилар жамоалари пешқадамлик қилдилар. Улар шартномавий режаларини биринчи теримдаёқ (20 иш кунида) уддалашди. Зилола Ҳасанова, Лобар Алматова, Соҳиба Қўчқорова, Муслима Ёрматова, Инобат Ҳамроева каби чевар теримчиларимиз кунига 170-200 килограммдан «оқ олтин» териб, мавсум бошидан буён 1,5-2 тоннагача ҳосил йиғишди. Ҳар бири ҳар беш кунликда 20-25 минг сўмгача меҳнат ҳақларини нақд пул тарзида олиб турдилар.

— Бугунгача хирмонга тўккан пахтангиз қанча бўлди?

— 1800 тонна. Ҳали ҳосил мўл. Бу рақамга яна 300 тонна қўшишни мўлжаллаб турибмиз.

Раис келтирган кўрсаткичлар самараси қишлоқ аҳлининг ижтимоий турмуш тарзида яққол кўриниб турибди. Мавжуд 8 қишлоқнинг ҳаммаси газлаштирилган. Ҳудуддаги 1-,2-,22-ўрта таълим мактабларида футбол, баскетбол, волейбол, теннис майдончалари ва барча спорт анжомлари муҳайё. Беш юз ўринли ҳашаматли клубимиз ҳам хўжалигимиз аъзолари хизматида. Барча маънавий-маърифий тадбирларимиз шу ерда ўтади.

**Эркатош ШУКУРОВА,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири**

# XORIJDA

## ХАМАС ЖАНГАРИСИ ЙЎҚ ҚИЛИНДИ



Исроил ҳарбий ҳаво кучларининг вертолёти Ғазо минтақаси шимолида жойлашган Бейт Лахия шаҳридаги ХАМАС террорчилик гуруҳи жангарилари яширинган уйга қарата ракета отган. Фаластинлик шифокорларнинг айтишича, авиазарба натижасида 22 ёшли жангари Муҳаммад Марус ўлдирилган. ХАМАСнинг яна уч жангариси яраланган. Улардан иккитаси оғир аҳволда.

Исроил мудофаа армиясининг қўмондонлиги ХАМАС жангариси йўқ қилинганлиги ҳақидаги хабарни ҳозирча шарҳламаган. Шаҳарнинг Бейт Лахия туманларига кириб борган ЦАХАЛ бўлинмалари ва фаластинлик жангарилар ўртасида шиддатли жанглар кетаяпти. Исроил техникасини осмондан ЦАХАЛ авиацияси қўллаб-қувватламоқда. Кейинги икки ҳафта мобайнида Исроил армияси минтақада кенг кўламли «Тавба-тазарру кунлари» амалиётини ўтказмоқда. Амалиётдан мақсад — Исроил аҳоли пунктларига қарата «Кассам» ракеталари отилишига барҳам беришдир.

Мазкур амалиёт давомида 100 га яқин фаластинлик ўлдирилган, шулардан 53 таси радикал гуруҳларнинг жангарилари ҳисобланади.

## ПОРТЛАШЛАРДА ОМОН ҚОЛГАН



Синай ярим оролида автомобилларни портлатиб юборишда қатнашган барча тўрт террорчи портлашлардан бир неча дақиқа олдин воқеа жойидан кетишга улгурган ва омон қолган.

Мисрда чиқадиган йирик «Ал-Аҳрам» газетаси маълумотлари бўйича, «Хилтон» меҳмонхонаси олдида портлаган юк машинасида 500 килограмм тротил моддаси бўлган, у сабзавотлар остига яширилган. Рас-ас-Сатан курорт жойида террорчилик хуружлари учун «Peogeot 504» ва «Nissan» автомобилларидан фойдаланилган. Улар Мисрда кам тарқалган енгил портловчи моддалар билан тўлдирилган.

Манбага суянган нашрнинг тасдиқлашига қараганда, «Хилтон» меҳмонхонасига юк машинасини икки террорчи ҳайдаб келган. Портлаш рўй беришидан икки дақиқа олдин улар яширинишган. «Пежо» эгаси автомобилни посёлкада қолдириб, портлашдан уч дақиқа олдин қочиб кетган.

«Nissan»ни ҳайдаган киши кечиккан, хабар қилади газета, шу боис бошқа курорт посёлкасига етар-етмас автомобилни ташлаб кетган ва яширинган. Тўрт террорчидан биронтаси ҳозирча ҳибсга олинмаганлигини қўшимча қилади нашр.

Уч автомобилнинг ҳаммаси Мисрда рўйхатга олинган рақамларга эга. «Пежо» мамлакатнинг марказий қисмида, қолган иккита машина эса Синай ярим оролида ҳисобда турган.

«Ал-Аҳрам» фикрича, Мисрдаги террорчилик хуружлари ўтган йили Туркия ва Индонезияда рўй берган портлашларни эслатади. Шундай қилиб, газета террорчилик ҳужумларини камикадзелар амалга оширган, деган тахминларни рад этади. Нашр Синай ярим оролидаги сўнгги воқеаларга «Ал-Қоида» дахлдор деган тўхтамда турибди.

## АМЕРИКАЛИК ФОТОМУХБИР ҚЎЙИБ ЮБОРИЛДИ

Ироқ жангарилари илгари Бағдодда қўлга олинган америкалик фотомухбирни қўйиб юборишган. Озод этилган Америка фуқароси ишлаётган «World Picture News» агентлигининг вакили бу ҳақда Reutersга маълум қилган.

24 ёшлик Пол Тэггарт сўнгги беш ой давомида Ироқда «World Picture News»нинг фотомухбири сифатида ишлаётганди. У Бағдоднинг Садр-Сити туманига якшанба куни эрталаб сурат олиш учун кетаётган чоғида ўғирланган эди.

Қуролли жиноятчилар гуруҳи Тэггарт кетаётган автомашинага ҳужум қилади. Ниқоб кийиб олган уч жангари мухбирни номаълум йўналиш бўйича олиб кетишади ва сешанбага қадар унинг қаердалиги номаълумлигича қолаётганди.

«World Picture News» ижрочи директори Стефен Клейпол ўғирлаб кетилган журналист озод этилганини ва у Оклахома штати, Талса шаҳрида яшаётган ота-онаси билан телефон орқали боғланганлигини маълум қилди. Клейпол Тэггартни озод этиш билан боғлиқ тафсилотни ошкор этмади. У фақат бунга Ироқда ишлаётган баъзи журналистларнинг куч-ғайратлари туфайли эришилганини айтди.



## КИТОБ ЎҒИРЛАНДИ



Бирмингемдаги марказий масжиддан Ироқ жангарилари томонидан ўлдирилган Кеннет Бигли вафоти муносабати билан кишилар билдирган таъзияномалар китоби ўғирлаб кетилган. Британиялик 62 ёшли муҳандис хотирасига бағишлаб Бирмингем шаҳридаги марказий масжидда таъзияномалар китоби юритилган, масжид кираверишида Бигли портретлари осиб қўйилиб, шамлар ёқилган эди. Аҳолисининг анчагина қисмини ислом динидагилар ташкил этувчи Бирмингемнинг барча имомлари ва мусулмон етакчилари таъзияномалар китобида ёзув қолдиришганди. Бундан аввал ушбу масжиддан Мадридда 11 март куни рўй берган террорчилик хуружлари қурбонларига билдирилган таъзияномалар китоби ҳам ўғирланганди.

*Иқтисодиёт ва ислоҳот*

# ВИЛОЯТНИНГ ҲАР БИР ШАҲАР ВА ТУМАНИДА

### ёки «Ўзбектелеком» акциядорлик компаниясининг «Бухоротелеком» филиалида амалга оширилаётган ижобий ишлар баёни

— Кейинги йилларда ахборот ва коммуникация технологиялари, телекоммуникация соҳаларида ҳам катта ютуқлар қўлга киритилди, — деган эди Президентимиз Ислом Каримов 2003 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2004 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг асосий йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида. — Қисқа вақт ичида мамлакатимизнинг исталган нуқтасида тезкор ва ишончли телефон алоқасини таъминлайдиган кўп тармоқли коммуникация алоқа тизими ташкил этилди. Бугунги кунда республика шаҳарларини рақамли телекоммуникация тармоқлари билан қамраб олиш даражаси 86 фоизга етгани ҳам шундан далолат беради...

Дарвоқе, бу борада кейинги йилларда Бухоро вилоятида ҳавас қилса арзигулик ўзгаришлар рўй бермоқда. «Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси тизимида, хусусан, унинг «Бухоротелеком» филиалида қилинаётган ишлар диққатга сазовор.

Филиал жамоаси вилоят аҳолисига ва мулкчилик шаклидан қатъи назар барча хўжалик субъектларига телекоммуникация хизмати кўрсатади. Вилоятнинг ҳар бир шаҳар ва туманида тармоқ боғланмалари ҳамда бўлинмалари ишлаб турибди. Унинг асосий хизмат турлари — маҳаллий ва халқаро телефон алоқаси, телеграф ва симли радиоэшиттиришдан иборат. Эндиликда уяли телефон алоқаси интернет хизмати кўрсатувчи мавжуд компания ва фирмалар билан ҳам яқин алоқа ўрнатган. 2004 йилнинг биринчи ярим йилида филиалда 2,3 миллиард сўмлик телекоммуникация хизматлари кўрсатилди. Даромадлар режаси 102,2 фоиз уддаланиб, ўтган йилга нисбатан 125,4 фоиз ўсишга эришилди. Аҳолига 1,4 миллиард сўмлик телекоммуникация хизматлари кўрсатилиб, режа 103,2 фоиз бажарилди. Бу ҳам ўтган йилга нисбатан 123,9 фоизни ташкил этди. Сўзлашувлар ва телеграммалар бўйича чиқиш алмашувлари режаси ортиғи билан уддаланди. Шаҳар ва қишлоқ телефон тармоғида 1852 та асосий телефон нуқталари ўрнатилди. Бошқача айтганда, бу борадаги режа ҳам 95,0 фоизга бажарилди.

Бугунги кунда вилоятдаги мавжуд телефон станциялари сиғимларидан фойдаланиш коэффиценти шаҳар телефон тармоғида 89,5, қишлоқ телефон тармоғи бўйича эса 75,7 фоизни ташкил этмоқда. 127 та қишлоқ телефон станцияларидан (умумий сиғими 32772 та) 113 таси (сиғими 29748 та) ёки монтаж қилинган станция сиғимларининг 91 фоизи АОН — (НАА — номерни автоматик аниқлаш) ускуналари билан таъминланган. Қишлоқ телефон станцияларида ўрнатилган АОН қурилмалари ёрдамида биринчи ярим йилликда жами 95,8 миллион сўмлик даромад олиниб, ўтган йилга нисбатан 135,2 фоиз ўсишга эришилди. 246 та маҳаллий таксофонлардан жами 11,3 миллион сўм (ўртача битта таксофонга 7,6 минг сўм) фойда қилинди. 100 та шаҳарлараро таксофонлардан 23,7 миллион сўм (ўртача битта таксофондан 39,5 минг сўм) даромад келди. Бу — ўтган йилга нисбатан 110,0 фоизни ташкил этади. Корхонада маркетинг тадқиқотларини олиб бориш борасида ҳам қатор ижобий ишлар амалга оширилмоқда.

Бугунги кунда рақамли АТСларнинг қўшимча хизмат турларидан 23975 нафар абонент фойдаланмоқда. Бу рақамли АТСлардан фойдаланилган сиғимнинг 32,2 фоизини ташкил этади. Жорий йилнинг ўтган ойлари мобайнида рақамли АТСларнинг қўшимча хизмат турларидан 30,0 миллион сўм даромад олинди. 602 та телефон линияларининг электр линиялари билан хавфли кесишмалари бартараф этилди. Ишчи-хизматчиларни шахсий ҳимоя воситалари ва асбоб-ускуналар билан таъминлаш учун монтёрлар чангаги, чангак тасмалари, индикаторлар, ишчи ва диэлектрик қўлқоплар, асбоб-ускуналар харид қилинди.

— Филиалимиз умуман олганда молиявий ҳолат бўйича барқарор хўжалик юритувчи субъектлар сирасига киради, — дейди **«Бухоротелеком» филиали директори Шарифжон Худайбердиев.** — Бироқ, яширишнинг ҳожати йўқ, кўрсатилган хизматлар учун ҳақ тўлашни айрим мижозларимиз унутиб қўйишяпти. 2004 йилнинг ўтган даври давомида муддати ўтган дебитор қарзлари учун 28 та жамоа ва ширкат хўжаликлари иши (24,7 миллион сўмлик) хўжалик судига оширилиб, 11 та ташкилотдан 4,6 миллион сўм ундириб олинди. Жамоа ва ширкат хўжаликларининг дебитор қарздорликлари 31,9 фоизга камайтирилди.

Жорий йил давомида вилоят телекоммуникация тармоғини кенгайтириш ва уларни замонавий технологиялар билан қайта жиҳозлаш бўйича ҳам қатор ижобий ишлар амалга оширилди. Жумладан, Япониянинг «JBIC» банки имтиёзли кредити ҳисобидан амалга оширилаётган лойиҳа асосида қишлоқ жойларида умумий сиғими 9000 рақамга тенг 17 рақамли телефон станциялари барпо этилди. Станцияларни бир-бирига улаш учун (110 км. узунликда) оптик толали кабеллар ётқизилди.

Мустақилликнинг 13 йиллиги арафасида аҳоли пунктлари, қишлоқлар, мактаб ва даволаш муассасаларини телефонлаштириш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Навоий ва Хоразм вилоятлари учун «СДМА-450» русумли уяли телефон станцияси ишга туширилди. Эндиликда унинг ёрдамида вилоят уяли алоқа абонентларининг умумий сонини қарийиб 1000 тага кўпайтириш имкони туғилди.

Яна бир гап: телекоммуникация иншоотлари бутлигича сақланиши бўйича ҳам талайгина ишлар қилишга тўғри келди. Кабелларни ўғирлаб кетиш ҳоллари юз бермаслиги учун доимий эҳтиёт чоралари кўрилди. Қимматбаҳо материаллар ва станция жиҳозлари талон-торож қилинишининг олдини олиш бўйича АТСларда сигнализация тармоқлари ўрнатилган.

Мухтасар айтганда, «Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси тизимида филиал нуфузи ошди. Эндиликда у корхоналар, муассасалар ва кўплаб аҳоли интернет тизимига уланиш имкониятига эга. Бу — катта имконият.

**Шоҳайдар МИРҲАБИБОВ,**
**Мирбахтиёр МИРФАЙЗИЕВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбирлари**

t

*Истиқлол бадиалари*

# ФАРҒОНА ФАРЗОНАЛАРИ

**Фарғона деганда сўлим ва обод, эртаклардагидек жаннатмакон бир диёр кўз олдимизга келса, унинг тупроғида вояга етган, камол топган бирон-бир киши билан суҳбатлашганингизда беихтиёр фарғонача мулозаматдан, ширин муомаладан баҳри-дилингиз очилиб, кўнглингиз равшан тортади.**

Бу заминнинг ўтмиши ҳақида Иброт ўзининг «Фарғона тарихи» асарида қуйидагиларни ёзиб қолдирган: «Фарғона бир шаҳри қадим ва аҳолийи надимдурки, аввало Искандари Румийдан ва Кубоду Афросиёбдин қолгандур... «Ажойиб ул-булдон» таърихида мазкурдурки, Искандари Румий шарқда зулумотга борган вақтларида Фарғона баҳодир деган умароларидан бирини қўюб кетиб, ул киши обод қилган экан, ул кишига мусаммо бўлган, дейдур. Аммо «Равзат ус-сафо»да Нўширвон атоси Қубод подшоҳ вафотига яқин Туркистон мамлакатини Нўширвон ўғлига тайин қилиб, Фарғонани аксар жойларини ул обод қилғон экан. Қубони Қубод ўзи бино қилғон экан. Фарғон(нинг) пойтахти ул вақтда Қубо экан. Ва баъзи вақтларда Ахсикент пойтахт бўлғон экан».

Дунёни ширин-шакар мевалари билан лол қолдирган бу юрт не-не фарғонийлари, нодиралари билан ҳақли равишда фахрланса арзийди. Биргина Аҳмад ал-Фарғонийнинг (797-865 йиллар) дунё илм-фани ривожидаги хизматлари бутун олам аҳли донишлари томонидан эътироф этилган. У астрономия, математика, географияга оид улкан кашфиётлар қилди.

Аҳмад ал-Фарғоний Ҳорун ар-Рашид ва унинг ўғли ал-Маъмун халифалиги даврида Бағдодда камол топди. Унинг Фарғонадан қачон ва неча ёшда чиқиб кетганлиги маълум эмас, лекин Бағдодда ўз ҳамюртлари — буюк математик Муҳаммад ал-Хоразмий, Аббос ибн Саъид Жавҳарий ва Аҳмад ибн Абдуллоҳ Марвазийлар билан «Байтул-ҳикма» («Билимлар уйи»)да фаолият олиб борган. Аҳмад Фарғоний Юнонистонда Птолемей асос солган астрономия фанини чуқур ўрганиб, унга танқидий нуқтаи назардан ёндошиб, «астрономия» фанини яратди. Унинг бу асари лотин тилига ўгирилиб, қарийб минг йил давомида Оврўпа дорилфунунларида дарслик сифатида фойдаланилди. Шу билан бирга у математик география фанига биринчи бўлиб асос солди, шаҳарлар ўртасида масофа ва ўлчамларни аниқлаб берди.

Аҳмад ал-Фарғоний Бағдод расадхонасида 812 йилда биринчи бўлиб қуёшнинг тутилишини олдиндан билиш ва бу ҳодиса ернинг қайси буржида қай тарзда кўринишини тадқиқ қилди. У кейинчалик Нил дарёси сувининг кўтарилиши ва пасайишини, сув ҳажмини ўлчагич иншоот («миқёс ул-жадид»)ни яратди. Кейинчалик драматург Вильям Шекспир ўзининг «Антоний ва Клеопатра» трагедиясида бу ҳақда фахр билан сўзлаб, уни «эл фаровонлиги ва ободлигини олдиндан белгилаб берувчи пурҳикмат асбоб», дея таърифлайди.

Қарангки, дунёга донғи кетган буюк олим мустабид тузум даврида ўз ватанида қадр топмади. Шўро даврида Аҳмад ал-Фарғоний номи фақат тор доирада маълум эди, холос.

Мустақиллик йилларида дунёга машҳур улуғ алломаларимиз, буюк пири комилларимиз, мутасаввуф руҳонийларимиз қадр-қиммати, обрў-эътибори тикланди. Уларнинг иззат-ҳурматлари жойига қўйилди. Жумладан, азиз ватандошимиз Аҳмад ал-Фарғонийнинг 1200 йиллик юбилейи 1998 йили юртимиз бўйлаб катта тантана қилинди. Улуғ аллома, не бахтки, мустақиллик туфайли ўз юртига қайтиб келди. Бу азиз зот туғилиб ўсган Қува яна обод бўлди, унга атаб мажмуа бунёд этилди.

Фарғона заминидан етишиб чиққан яна бир зот борки, у бутун мусулмон оламида маълум ва машҳур Бурҳониддин Марғинонийдир. Унинг «Ҳидоя» асари ханафий мазҳабидаги мусулмонларнинг шариат қонунлари мажмуаси ҳисобланади. Унда ислом динининг асосий талаблари, ҳуқуқий-ахлоқий меъёрлари атрофлича талқин қилинган. Ушбу рисолага ҳозирги кунда ҳам кўпгина мамлакатларда амал қилинади. Бурҳониддин Марғиноний ўша даврнинг улкан илмий марказларидан бўлган Самарқандда яшаган ва 1178 йилда «Ҳидоя»ни ёзиб туғаллаган. Араб тилида битилган тўрт жилдлик бу асар кейинчалик форс тилига, форсчадан инглиз, сўнгра рус тилига таржима қилинган.

Мустақиллигимиз туфайли ислом дини совет тузумидаги эскича қарашлардан халос бўлди, диний қадриятларимиз яна ўз аҳамиятини тиклади. 2000 йили мамлакатимизда буюк фиқҳшунос Бурҳониддин Марғинонийнинг 910 йиллик юбилейи кенг нишонланди. Тарихнинг турли синовларини бошдан кечириб бизгача етиб келган «Ҳидоя» асари ўзбек тилига ўгирилиб, нашр қилинди. Натижада бу рисоладан ўқув даргоҳлари ҳамда илмий-тадқиқот масканларида фойдаланиш имконияти туғилди.

Фарғонанинг суви, ҳавоси, серхосият тупроғининг тароватни бошқача. Шунинг учун ҳам бу заминга кўз олайтирганлар, уни ўзиники қилиб олмоқчи бўлган не-не босқинчилар қилич яланғочлаб келишмаган, дейсиз. Қадоқ қўлларида фақат кетмон тутиб ўрганган халқ ёв босқини даврида қўлига қурол олиб юрт тақдири учун курашган. Кези келганда айтиш кераккки, маҳаллий амалдорлар, тўраю бекларнинг оддий халққа қилган зулми ҳаддан ошган замонлар ҳам бўлган. Бундай зулмкорлар тимсолини Муқимий, Фурқат, Завқий, Махмур, Гулханийнинг ижодида яққол кўриш мумкин.

Тарихдан маълумки, XIX асрнинг биринчи чорагида Қўқонда бирмунча ижобий ўзгаришлар юз берди. Фан ва маданиятда, адабиёт ва санъатда сезиларли асарлар яратилди.

Улар орасида айниқса Нодиранинг ижоди алоҳида ажралиб туради. Унинг ғазаллари маънодорлиги, гўзаллиги ва бадиийлиги, теран фалсафийлиги билан киши эътиборини тортади.

Нодира ғазаллари билан танишар экансиз, сўзсиз унинг мумтоз адабиётимиз вакиллари ижоди билан яхши танишлигидан, хусусан Навоийнинг ижод уммонидан баҳраманд эканлигини ҳис этасиз. У ҳатто улуғ шоирга тақлид қилиб форсча ғазалларига бошқа бир тахаллус — Макнунани қўллаган.

Қўқон адабий муҳитида юксак мавқега эга бўлган шоирлардан бири Султонхон тўра Адо Аҳрорий Самарқандийдир. Адо ўз даврида зуллисонайн — икки тил эгаси, ўзбек ва тожик тилида нодир асарлар яратган шоир сифатида катта шуҳрат қозонган. У Хожа Убайдуллоҳ — Хожа Аҳрор Валий сулоласининг пешқадам намояндаси эканлиги алоҳида таъкидланади. Адонинг тожикча ғазал, рубоий, қасидалари ҳам ўз даврида эл орасида машҳур бўлган. Сўз бўстонининг компони, хожагон тариқати сарбони, аҳрорийлар фахри бўлган Адо Аҳрорий адабий мероси тадқиқотчилар назарига муҳтож.

Ўша даврнинг яна бир забардаст ижодкори шоира Увайсийдир. У ўз даврининг сатирик шоирлари Махмур ва Гулханий каби юпун-яланғоч, эзилган халқ номидан сўз айта олган эди. Увайсий ўз ижодида Фузулий ва Машраб анъаналарини муваффақиятли давом эттирди.

Қўқон адабий муҳитининг яна бир ижобий томони, бу ерда Нодира ва Увайсийларнинг издоши бўлмиш истеъдодли шоиралар Дилшод ва Анбар отинларнинг етишиб чиққанлигидир. Чунки Қўқонда мактаб, мадрасалардан ташқари, қиз болалар учун кўплаб отинойи мактаблар ташкил этилган бўлиб, бундай даргоҳларда диний ва замонавий билимлардан сабоқ берган. Шоира Дилшод «Тарихи муҳожирон» асарида қайнонасидан қабул қилиб олган мактабида мингга яқин қизларни ўқитгани, уларнинг кўпчилиги шеър ёзганини тилга олади.

Қўқонда адабий жараён ривожланиш босқичига кўтарилиб, бу ишларни Нодирабегим бирмунча муддат муваффақият билан давом эттирган. Хонликлар ўртасидаги ўзаро зиддиятлар кучайиб, Бухоро амири Насруллохон Қўқонни босиб олгач, Нодирабегимдек шоирани фарзандлари билан бирга қатл эттирди. Лекин халқ ичидан Ибрат, Муқимий, Фурқат, Завқий, Хувайдо, Зорий каби халқ ҳаётини, унинг орзу-умидлари, азоб-уқубатларини, эркесварлик, маърифатпарварлик ғояларини куйловчи оташнафас шоирлар етишиб чиқаверди. Албатта, бугунги кунда улар ижоди ибрат ва сабоқ дарсхонаси.

Йирик адабиётшунос олим, академик Азиз Қаюмов Қўқон адабий муҳитини ўрганиш ва уни халққа танитиш борасида салмоқли ишларни амалга оширди.

Фарғона тарихининг энг оғир даврларидан бири — XIX асрнинг иккинчи ярмида қонхўр генерал Скоблев бошчилигидаги чор қўшинларининг бостириб киришидир. Шундай масъулиятли ва қалтис паллада хонлар ўз жонларини сақлаб қолиш мақсадида юртни ташлаб қочди, жафокаш халқ эса душманга қарши курашга отланди. Бироқ яхши қуролланганлар билан кучлар тенг эмас эди. Қўқон хонлиги руслар томонидан босиб олинди, қарши чиққанлар аёвсиз қириб ташланди. Туркистондаги уч хонлик душманга қарши бирлаша олмади, натижада уларнинг ҳар бири якка-якка ҳолда ишғол қилинди. Бундай ёвузликка қарши халқ норозилиги кучайиб, қўзғолонлар авж олди, лекин улар шафқатсизлик билан бостирилар эди.

Фарғона замини бундай қирғинларга кўп бор гувоҳ бўлган. Озодликка талпинувчи халқни эса ҳеч қачон асоратда ушлаб бўлмайди. Мустақилликка эришиш йўлида 1918 йилда айнан Қўқонда Мухторият тузилиши ҳам бежиз эмас. Лекин у ҳам ҳалокатга учради. Мустабид шўролар даврида бу халқ қулоқлар сургуни, сталинча қатағон, «пахта иши» каби зулмларни кўрди. Мустақиллигимиз арафасида Қувасой ва Қўқонда яна хунрезликлар юз берди. Шўролар тузуми арзимаган баҳона ва бўҳтон билан ҳатто ёш болани ҳам сизлайдиган, меҳр-оқибатли халқни ичидан бузишга, бир-бирига қарши қўйишга ҳаракат қилди. Шундай оғир кунларда ҳам Фарғона халқи аҳдига содиқ қолди, ўзининг мардонавор ўтмишини муносиб ҳимоя қилди.

Ўзбек фани, илму маърифати тараққиётига улкан ҳисса қўшган Қори Ниёзий, Муҳаммад Ўрозбоев, Пўлатхон Қаюмов, Азиз Қаюмов, Лазиз Қаюмов, Музаффар Хайруллаев сингари улуғ алломалар Фарғона фарзоналари карвонининг сарбонларидир.

Фарғона не-не даҳоларнинг бешиги. Бу элдан хушовоз нурхонлар, ҳалималар, тамарахонлар, мукаррамахонлар, Эрка қори, Жўрахон Султонов, Юсуфжон қизиқ, Маъмуржон Узоқов, Таваккал Қодиров, Мурoджон Аҳмедов, Алижон Эркаев каби санъатимизнинг ўлмас дарғалари етишиб чиққан. Адабиёт аҳлидан Ҳамза, Рожий, Тавалло, Абдулла Қаҳҳор, Чархий, Собир Абдулла, Амин Умарий, Ҳусайн Шамс, Асқад Мухтор, Худойберди Тўхтабоев, Йўлдош Сулаймон, Охунжон Ҳаким, Анвар Обиджон асарларини халқимиз севиб ўқийди. Булар ўзбек фани ва маданияти равнақига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшган сўз ва соз намояндаларидир. Уларнинг номлари бугун Фарғонанинг гўзал қиёфасига ўзгача чирой бағишлаб турибди.

Истиқлол йилларида Фарғонада айниқса катта ижобий ўзгаришлар юз берди. Таълим, маданият, спорт соҳаларида қўлга киритилган ютуқларни ҳеч бир даврники билан таққослаб бўлмайди. Вилоятда 3 та академик лицей, 45 та касб-ҳунар коллежи қурилиб, ишга туширилди. Уларда бугун 50 минг нафарга яқин талабалар таълим олмоқда.

Томчида қуёш акс этганидек, вилоятда юз берган ўзгаришларни биргина Фарғона шаҳри мисолида ҳам кўриш мумкин.

Бундан ўн-ўн беш йиллар муқаддам Фарғона шаҳрида, айниқса унинг марказида кўп қаватли, кўркам иморатлар йўқ эди. Бир-иккита маъмурий биноларни ҳисобга олмаганда, асосан бир қаватли уйлардан иборат эди. Мустақиллик туфайли шаҳар кўриниши бутунлай янгича жозиба касб этди. Эски истироҳат боғи ўрнида «Ал-Фарғоний» мажмуи қад ростлади. Улуғ алломанинг салобатли ҳайкали атрофидаги боғ ва хиёбонларга фавворалар ўрнатилди, турли кўнгилочар масканлар бунёд этилди. Шаҳарнинг ҳаво дарвозаси бўлган аэропорт биноси ҳам замонавий кўриниш олди. Йўллар, кўча ва маҳаллалар гулзорга айлантирилди. Бу ерда фойдаланишга топширилган яна иккита бетакрор мажмуа узукка қўйилган гавҳардек шаҳар кўркини янада очиб юборди.

Маълумки, илгари шаҳарда амфитеатр услубидаги очиқ томошагоҳ йўқ эди. Катта байрам ва тантаналар асосан стадионда ёки истироҳат боғида ўтказилар, бу эса муайян қийинчиликлар туғдирарди. Яқинда қуриб фойдаланишга топширилган Ёшлар спорт ва маданият мажмуи шаҳарликларнинг севимли масканига айланди. Тўрт минг томошабинга мўлжалланган бу янги иншоот барча замонавий техник имкониятларга эга. Ҳозир бу кошонада концертлар, спорт мусобақалари, байрам тантаналари ўтказилиб, кўпчилик хушнуд бўлмоқда.

Шунингдек, Алишер Навоий номли шоҳкўчадаги теннис мажмуи қаршисида бунёд этилган Олимпия заҳиралари коллежини бемалол меъморчилик санъатининг ноёб намунаси дейиш мумкин. Коллеж ўзининг 1000 ўринли ёпиқ теннис корти, турли мусобақалар ўтказиладиган майдон ва соғломлаштириш марказларига эга.

Олтин водий Юртбошимиз меҳр қуёшидан нур олмоқда. Буни ушбу сўзлардан ҳам билиш мумкин: **«Азиз дўстлар! Фарғона халқига меҳр-муҳаббатим баландлигини ҳаммангиз яхши биласиз, мен ўзим севган, қадрлаган элнинг тинч ва осойишта, фаровон ва бахтли ҳаёт кечиришини, ўз меҳнатининг роҳатини, ўстираётган фарзандларининг орзу-ҳавасини кўришини чин юракдан истайман».**

**Барот БОЙҚОБИЛОВ,**
**Ўзбекистон халқ шоири**

**Аёл ва жамият**

# ЖАННАТ ОНАЛАР ОЁҒИ ОСТИДАДИР

Аллоҳ яратган мавжудотларнинг энг карамлиси, энг гўзали, энг мўътабари Аёлдир. Бу табаррук зот ҳақида муқаддас китобларда зикр қилинган, уларнинг фазилатлари тавсиф этилган. Жумладан, Қуръони каримнинг 4-сураси «Нисо» («Аёллар») номи билан нозил этилишида ҳам Яратганнинг аёл зотига кўрсатган буюк эҳтироми мужассам. Аёллар ҳақида Пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг ҳам ҳадислари мавжуд. Улардан бирида аёлнинг муқаддас ва мукаррамлигига ишора қилиниб, «Жаннат оналар оёғининг остидадир» дейилган.

Барча пайғамбарлар, шоҳ ва султонларни ҳам аёл зоти туққан. Бутун дунё шоирлари аёлни мадҳ этганлар, ер юзидаги энг гўзал нарсалар аёлга нисбат берилган. Буюк мутафаккир Алишер Навоийнинг «Минг туман нопок эрдин яхшидур пок хотинлар оёғининг изи», деган байти бор. Муинуддин Жувайний дебдилар: «Энг яхши хотин шундай хотинки, у ҳаёли ва ориятли бўлади». Халқ мақолларидан бирида «Яхши хотин эрини ёшартиради» дейилган.

Биз бу ўринда аёллар ҳақидаги ҳикматли сўз ва иборалардан бир томчи келтирдик, холос. Аслида аёллар ҳақ-ҳуқуқи, уларга муносабат масаласи бутун дунё қонунларида, халқаро декларация ва конвенцияларда белгилаб берилган.

Октябрь тўнтаришидан аввал бизда аёллар асосан бола тарбияси ва уй иши билан машғул бўлган. Баъзи аёллар каштачилик, тикувчилик, дўппидўзлик, адабиёт ва санъат соҳасида ижод қилганлар. Бирор аёл оғир иш билан шуғулланмаган ва бозорда олди-сотди қилмаган. Хотинини ишлатиш эр учун ор саналган. Ҳамма оғир ишлар эрлар зиммасида бўлиб, улар оилани моддий таъминлаш, болаларни ўқитиш, касб-ҳунарга ўргатиш, балоғат ёшига етганда уйли-жойли қилишга қайғурганлар.

Шўро даврида турли йирик тантана ва йиғилишларда хотин-қизлар озодлиги мамлакатда тўла ҳал этилгани ҳақида минбарларда оғиз кўпиртириб гапирилар, бу мавзуда минглаб китоблар, диссертациялар тайёрланиб, бутун дунёга жар солинарди. Аслида эса аёллар ишчи кучи сифатида энг оғир вазифаларга ҳам жалб этилганди. Аёл — пахтакор, аёл — қурувчи, аёл — ишчи...

1970 йили хизмат сафари билан Сурхондарё вилоятига бордим. Бир неча дала шийпонларида бўлиб, одамлар билан учрашдим. Ўша пайтдаги дала шийпонининг манзараси ҳамон кўз олдимда: ерга эски шолча солинган, тупроққа беланган 5-6 нафар яланғоч, ярим яланғоч болалар ўймалашиб юрибди. Бир кампир уларга қараяпти. Бу болаларнинг онаси далада, жазирама офтоб тиғи остида ғўза чопяпти. Шу оналар кун ботгандан кейин уйига келиб овқат қилади, нон ёпади, кир ювади, болаларига қарайди, ҳовли супуради. Мана «Шўро озодлиги»нинг манзараси. Қайтишимда вилоят раҳбарларидан бирининг олдига кириб аҳволни тушунтирдим. «Домла, биласиз-ку, бошқа иложимиз йўқ, гапларингизни эътиборга оламиз», деди у.

Мустақилликдан кейин мамлакатимизда аёллар масаласига давлат миқёсида эътибор бериб келинмоқда. Бу борада бир қанча муҳим ҳужжатлар эълон қилинди; Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси тузилиб, унинг фаолиятига алоҳида аҳамият берилди. Шу йил 25 майда давлатимиз раҳбарининг «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони эълон қилинди. 21 июнь куни Оқсаройда ушбу Фармонда белгиланган вазифалар муҳокамасига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Унда Президентимиз хотин-қизлар масаласи доимо жамиятнинг диққат марказида бўлиши лозимлигини таъкидлаб, жумладан шундай дедилар: **«Агар аёлларга етарли эътибор берилмаса, бундай жамиятнинг келажаги бўлмаслиги ҳақида, ўйлайманки, узоқ гапириб ўтиришнинг ҳожати йўқ»**.

Энди аёлга муносабат ҳақидаги айрим мулоҳазаларимизни баён этсак. Академиклар шаҳарчасида бир неча йил маҳалла қўмитасини бошқарганимда баъзи оилаларда юз берган можароларга аралашганман, уларни ҳал этишга кўмаклашганман. Рўпарамиздаги хонадонда яшовчи бир қўшним бот-бот хотинини дўппослар, бошқалар аралашмасин дея эшикни бекитиб оларди. Бир куни аёл кишининг «дод-вой»ини эшитиб чиқдим. Ажабки, эшик очиқ қолган экан. Ичкарига кирдим. Жаҳолатга минган эрнинг қўлидан аёлни ажратиб олиб, «уялмайсизми, бу муштипарнинг гуноҳи нима?» десам, «Аралашманг, буларни уриб туриш керак», дейди у. Мана аёлга ёвузларча муносабат. Лекин унинг хотини меҳнаткаш аёл эди, чопон тикиб сотиб, кекса қайнонаси, уч боласини боқарди...

Баъзан топган пулини ичкиликка сарфлаб, оила ризқини қиятган, устига-устак маст ҳолда хотинини хўрлайдиган, болалари билан қўшиб калтаклайдиган эрлар ҳам учраб туради. Вақтинчалик мансаб, ҳаром пул туфайли ҳаволаниб, уйида ҳалол-пок хотини, ширин-шакар фарзандлари бўлатуриб, ёмон йўлга кириб кетган, хотин устига хотин олиб, гулдай оиласини хор-зор қилган кимсалар ҳам йўқ эмас. Бунинг оқибатида бир оила барбод бўлади, бегуноҳ болаларнинг тақдирига дарз кетади.

Ҳозирги кунда баъзи диёнатсиз, ишёқмас, бераҳм, эрлар аёлини бозорга чиқариб, ўзлари фароғатда юрибдилар. Ёзнинг жазирама иссиғи, қишнинг изғиринида бозорларда тирикчилик ташвиши дея оғир юк кўтариб юрган аёлнинг аҳволига бир назар ташланг, ачиниб кетасиз. Буларнинг эрлари қаерда, нима қилиб юрибди, ўзини ўзбекман, мусулмонман деб ўйлайдими?

Ҳозирда аёллар меҳнатисиз жамият тараққий этмайди. Парламентда, таълим-тарбия, табобат, маданий-маърифий соҳаларда, давлат идораларида, саноат корхоналари, илмий муассасаларда аёлларнинг ўз ўрни бор. Лекин ҳамма жойда меъёр, инсоф, адолат, аёлга нисбатан меҳр-шафқат ва ҳурматни сақлай олиш керак. Оврўпа маданиятига тақлид қиламан деб, ўз миллий урф-одатларимизни, анъаналаримизни, ўзбеклигимизни унутмайлик. Ахир, миллатимиз солиҳа фарзандлари билан ҳам дунёга машҳур эмасми?

**Ҳожи Исматуллоҳ АБДУЛЛОҲ, Ўзбекистон Республикаси фан арбоби**

**Болалар спорти**



# МАҲОРАТ МАКТАБИНИНГ МИРЖАЛОЛЛАРИ

Ҳар бир ота-она ўз фарзандининг соғлом, бақувват, ҳаёт синовлари ва қийинчиликларидан қўрқмайдиган, ироддаси мустаҳкам бўлишини истайди. Баркамол ва соғлом авлод камолотида спортнинг турли соҳаларига йўналтирилган махсус мактаблар жуда катта аҳамиятга эга.

Ана шундай файзли масканлардан бири пойтахтимиздаги Футбол олий маҳорат мактабидир. Футболга меҳр қўйган болалар орасида мазкур даргоҳни орзу қилмайдигани кам топилади. Негаки, дастлабки сабоқларни шу ерда олган Миржалол Қосимов, Андрей Акопянц, Евгений Сафонов, Марат Бикмаев каби футболчилар бугун спортнинг ушбу тури бўйича нафақат мамлакатимизда, балки хорижда ҳам катта нуфузга эгадирлар. Бу муваффақиятлар эса шубҳасиз мактабда фаолият юритаётган мураббийларнинг билими ва меҳнатлари билан боғлиқ, албатта. Юрий Госпадарчук, Аҳмад Убайдуллаев, Фарҳод Магомедов, Геннадий Денисов каби футболимиз фидойилари бугунги кунда ўзбек футболининг келажаги бўлган 250 нафардан ортиқ болага таълим-тарбия бериб келмоқда. Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан ёш футболчилар учун ётоқхона, озиқ-овқат ва бошқа зарур шарт-шароитлар яратилган.

Эътиборлиси шундаки, мактабдаги мутаҳассислар турли вилоятларда сафарларда бўлиб, иқтидорли болаларни танлаб олишади. Оқил Маҳмудов, Музаффар Чиннибеков, Самад Шихов, Помир Муҳаммедов каби ёшлар шулар жумласидандир. Дарвоқе, 1-7 октябрь кунлари ўн уч ёшли болалар ўртасида Қозоғистонда бўлиб ўтган халқаро турнирда мактабнинг 1992 йилда туғилган тарбияланувчилари биринчиликни қўлга киритиб қайтишди.

**Анвар САМАДОВ**

**Суратларда:** «Пахтакор»нинг 60-йиллардаги моҳир ҳимоячиси, футболимиз фахрийси Акмал Азизхўжаев (ўнгда) ва мактаб директори Мурод Алиев (ўртада) ёшлар даврасида; машғулотлар пайти; мураббий Аҳмад Убайдуллаев шогирдлари билан.





Шавкат АКРАМОВ олган суратлар

## Ҳикматли сўзлар маъноси

### СОЯГА ҚАРАБ ТЎН БИЧМА

Бу мақолнинг тўғри маъноси шуки, ўтмишда хотин-қизларнинг бегоналарга, яъни «номаҳрам»ларга кўриниши қатъий ман этилган. Кийим тикадиган чеварларнинг аксарияти эса эркаклардан бўлган. Хўш, бундай шароитда хотин-қизларга тикиладиган кийимни қандай ўлчаб, бичганлар? Чорасини топганлар: хотинни ё қизни парда орқасига қўйиб, шу пардага тушган сояга қараб, ёхуд баланд жойга чиқазиб, ерга ё сувга тушган сояга қараб кийим бичганлар. Бунда, албатта, кийим қоматга жуда ҳам мос бўлиб, ёпишиб тушмаган. Бу ҳол юқоридаги мақолнинг туғилишига сабабчи бўлган. Мақол мажозан: «Ҳар қандай ишни ҳам аниқламай, ҳар тарафини ҳисобга олмай, тахминлаб, қиёслаб, таваккалига қилма», деган маънода қўлланилади.

### СИЗДАН — УГИНА, БИЗДАН — БУГИНА

Ё ошкора, ё хуфиёна, ёинки шама қилиб: «Аввал сиз «бир нима» берсангизгина кейин мен ҳам фалон ишингизни битказиб бераман», деювчи порахўр, юлғич, таъмагир одамлар тилидан айтилган бу мақолни шундай одамларнинг ўзига нисбатан қаттиқ киноя, аччиқ кесатиқ мақомида қўллайдилар.

## РЎЗА ТАҚВИМИ

| Рамазон кунлари | Октябр | Ҳафта кунлари | Саҳарлик | Ифторлик |
|---|---|---|---|---|
| 1. | 15 | Жума | 4:55 | 17:44 |
| 2. | 16 | Шанба | 4:56 | 17:42 |
| 3. | 17 | Якшанба | 4:57 | 17:41 |
| 4. | 18 | Душанба | 4:58 | 17:39 |
| 5. | 19 | Сешанба | 4:59 | 17:38 |
| 6. | 20 | Чоршанба | 5:00 | 17:36 |
| 7. | 21 | Пайшанба | 5:01 | 17:35 |
| 8. | 22 | Жума | 5:03 | 17:33 |
| 9. | 23 | Шанба | 5:04 | 17:32 |
| 10. | 24 | Якшанба | 5:05 | 17:31 |
| 11. | 25 | Душанба | 5:06 | 17:29 |
| 12. | 26 | Сешанба | 5:07 | 17:28 |
| 13. | 27 | Чоршанба | 5:08 | 17:26 |
| 14. | 28 | Пайшанба | 5:10 | 17:25 |
| 15. | 29 | Жума | 5:11 | 17:24 |
| 16. | 30 | Шанба | 5:12 | 17:23 |
| 17. | 31 | Якшанба | 5:13 | 17:21 |
| 18. | 1 | Душанба | 5:14 | 17:20 |
| 19. | 2 | Сешанба | 5:15 | 17:19 |
| 20. | 3 | Чоршанба | 5:17 | 17:18 |
| 21. | 4 | Пайшанба | 5:18 | 17:16 |
| 22. | 5 | Жума | 5:19 | 17:15 |
| 23. | 6 | Шанба | 5:20 | 17:14 |
| 24. | 7 | Якшанба | 5:22 | 17:13 |
| 25. | 8 | Душанба | 5:23 | 17:12 |
| 26. | 9 | Сешанба | 5:24 | 17:11 |
| 27. | 10 | Чоршанба | 5:25 | 17:10 |
| 28. | 11 | Пайшанба | 5:26 | 17:09 |
| 29. | 12 | Жума | 5:27 | 17:08 |
| 30. | 13 | Шанба | 5:29 | 17:07 |

### РЎЗА ТУТУШ (ОҒИЗ ЁПИШ) НИЯТИ

Навайту ан асума совма шаҳри Рамазона минал фажри илал мағриби, холисан лиллаҳи таъала, Аллоҳу акбар.

**ЯЪНИ:** Аллоҳ таъоло учун Рамазон ойининг рўзасини субҳдан кун ботгунча тутмоқликни ҳолисона ният қилдим, Аллоҳу акбар.

### ИФТОРЛИК (ОҒИЗ ОЧИШ) НИЯТИ

Аллоҳумма лака сумту ва бика аманту ва алайка таваккалту ва ала ризқика афтарту, фағфирлий ма қоддамту ва ма аххорту бироҳматика йа арҳамар роҳимийн, Аллоҳу акбар.

**ЯЪНИ:** Эй бор Худоё, ушбу рўзамни фақат Сен учун тутдим ва Сенга иймон келтирдим ва Сенга таваккал қилдим ва Сенинг берган ризқинг билан ифтор қилдим, эй гуноҳларни авф қилувчи Аллоҳ, менинг аввалги гуноҳларимни ва кейинги гуноҳларимни мағфират қилгин ва ярлақагил.

*Газетанинг навбатдаги сони 19 октябрда чиқади.*

**Интер-спорт**

### АЛЕНИЧЕВ ЎЙНАМАСЛИГИ МУМКИН

Россия терма жамоасининг ярим ҳимоячиси Дмитрий Аленичев кутилмаганда жароҳат олди. Энди бу умидли ўйинчи 2006 йили ўтказиладиган жаҳон футбол чемпионатининг саралаш учрашувида Португалияга қарши ўйинда иштирок этолмаслиги мумкин. «Аленичевнинг бел қисмида оғриқ бор, шунга қарамай, биз уни оёққа турғазиш учун ҳаракат қилмоқдамиз. Португалия билан ўйинда унинг иштирок этиш-этмаслиги ҳозирча номаълум», — дейди Россия терма жамоаси шифокори Юрий Васильков.

### УЧРАШУВ МУДДАТИ БЕЛГИЛАНИШИДАН УМИДВОР



IBF йўналиши бўйича мувaққат чемпион, биринчи ярим оғир вазндаги боксчи Шармба Митчелл мухбирлар билан суҳбатда, гўё у Константин Цзюдан чўчигани учун жангга ошиқмаяпти, деган гаплар уйдирма эканини маълум қилди. «Мен ҳеч кимдан қўрқаётганим йўқ, — дейди Митчелл. — Константин ниҳоят оёққа туриб, мен билан бўладиган жангга ҳозирлик кўради ва учрашув муддати белгиланади деган умиддаман». Цзю эса ўз навбатида борди-ю, Митчелл устидан ғалаба қозонса, 2005 йили янада фаол иштирок этиш ва навбатдаги жангларни Артуро Гатти, Флойда Мейвезер, Диего Корралес, Кори Спинкслар билан ўтказиш нияти борлигини баён қилди.

### ФИФА ҚАРОРИНИ ЎЗГАРТИРМАДИ

ФИФА тартиб-интизом қўмитасининг Александр Старковни терма жамоадан олтита учрашувга четлаштириш билан боғлиқ қарори ўз кучида қолди. Латвия футбол федерациясининг ФИФАга мазкур қарорни ўзгартириш ҳақида берган аризаси ҳам инобатга олинмади. Латвия футбол федерацияси бош котиби Янис Межецскийнинг фикрига қараганда, энди Лозанадаги спорт арбитраж судига мурожаат қилишга тўғри келаркан.

# ТАРИХИЙ ЎЙИН ДУБАЙДА БЎЛАДИ



Жаҳон чемпиони Рустам Қосимжонов россиялик Гарри Каспаров билан Дубайда беллашадиган бўлди



Минг йиллар муқаддам пайдо бўлган шахмат бугун замонамизнинг оммавий спорт турларидан бирига айланган. Инсоннинг ақлий салоҳиятига асосланган ушбу ўйин бўйича ўтказиладиган мусобақалар алоҳида эътиборга сазовордир.

Айниқса, Халқаро шахмат федерацияси (ФИДЕ) шафеълигида ўтказиладиган жаҳон чемпионатининг аҳамияти беқиёс. Чунки «ақл гимнастикаси» дея ардоқланадиган шахмат бўйича жаҳон чемпиони бўлиш ўта мушкул. Бу борада жаҳон чемпионати ўтказила бошланган XIX асрнинг иккинчи ярмидан буён атиги 17 нафар шахматчи бундай юксак шарафга муяссар бўлган.

Ана шу буюк шахматчилардан бири — ҳамюртимиз Рустам Қосимжоновдир.

Рустам Қосимжонов жаҳон шахмат тожини жорий йилнинг июль ойида Ливия пойтахти Триполи шаҳрида ўтказилган жаҳон чемпионатида қўлга киритганди. Финалгача В.Иванчук, А.Гришчук, В.Топалов каби кучли шахматчиларни енгган ўзбекистонлик халқаро гроссмейстер асосий беллашувда англиялик Майкл Адамсни мағлуб этиб, жаҳон чемпиони деган унвонга сазовор бўлди.

Шахмат тожига эришгунга қадар Рустам уч маротаба жаҳон чемпионатида ўз кучини синаб кўрди. Ниҳоят, тўртинчи уринишда у асл орзусига эришди.

Ўзбекистонлик жаҳон чемпионини янада улкан марралар, тарихий учрашувлар кутмоқда. Рустамнинг олдида турган энг муҳим ўйин — ФИДЕ рейтингида энг юқори поғонани эгаллаган собиқ жаҳон чемпиони Гарри Каспаров (Россия) билан бўладиган баҳсдир.

Р.Қосимжонов жаҳон чемпионатига бағишлаб ўтказилган суҳбатда болалигидан Гарри Каспаров билан матч ўтказишни орзу қилганини айтган эди. Бунгача ҳам у буюк шахматчига қарши дона сурган. Ўшанда ёш шахматчимизни ҳаяжон босганди. Мана, энди Рустам Г.Каспаров билан жаҳон чемпиони сифатида куч синашади.

ФИДЕ президенти Кирсан Илюмжинов барчанинг эътиборида турган ушбу тарихий баҳс 2005 йилнинг январь ойида Бирлашган Араб Амирликларнинг Дубай шаҳрида ташкил этилишини расман маълум қилди. Нуфузли матчнинг мукофот жамғармаси бир миллион икки юз минг АҚШ доллари миқдорида белгиланган.

Рустам Қосимжонов ҳамда Гарри Каспаров ўртасидаги учрашувнинг аҳамияти шундан иборатки, унда ғалаба қозонган гроссмейстер мутлақ жаҳон чемпионлиги учун курашни давом эттиради. Унга венгриялик Петер Леко ва Владимир Крамник (Россия) баҳсида ғалаба қозонган шахматчи рақиб бўлади.

Таъкидлаш жоизки, ҳозир Рустам Қосимжоновнинг айни кучга тўлган пайти. У жаҳон чемпионлигини қўлга киритганидан сўнг Ҳиндистондаги «Пуна Интернэйшнл» супертурнири ҳамда Голландияда ўтказилган «НК-Рапид» халқаро мусобақасида биринчи ўринни эгаллади. Айни пайтда у Испанияда бошланадиган жаҳон шахмат олимпиадасида иштирок этишга ҳозирлик кўрмоқда. Ушбу мусобақадан сўнг Рустам Қосимжонов Гарри Каспаров билан бўладиган тарихий учрашувга тайёргарликни бошлайди.

**Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ**
**ЎзА шарҳловчиси**


BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY`ATI:
Abdulla ORIPOV
Asliddin RUSTAMOV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Habib SA'DULLA
Norbobo SHAKAROV (Bosh muharrir birinchi o`rinbosari)
Alimqul SULTONOV (Bosh muharrir o`rinbosari)
Andrey ORLOV (Bosh muharrir o`rinbosari «Golos Uzbekistana»)
Nomoz SA`DULLAYEV
To`lepbergen QAIPBERGENOV
Muslihiddin MUHIDDINOV
Olim MURODOV
Abdug'ani MAMASODIQOV (Mas'ul kotib)

MUASSIS:
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO`LIMLAR:
Siyosat, partiya va xalqaro hayot 133-44-55
Ma`naviyat va ma`rifat 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Parlament va huquq 136-76-21
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks)
Mas`ul kotib 133-72-83
Reklama va e`lonlar 133-38-55, 133-47-80

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-03-80
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 3-39-20
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg`onada — 26-43-62
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.

Navbatchi: Farruh HAMROYEV

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchi: Javlon RASULEV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 008-raqam bilan ro'yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.


«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.


Г — 1160
7337 nusxada bosildi
t — Тижорат материали
O`zA yakuni —
Topshirish vaqti —
1 2 3 4 5
SOTUVDA ERKIN NARXDA